КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ!

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 248 (1309), 2024 йил 6 декабрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗАРО МУЛОҚОТ ВА АЛМАШИНУВЛАР ФАОЛЛАШГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов 5 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Илгари эришилган келишувлар ижросининг бориши ва бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалалари томонларнинг эътибор марказида бўлди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар сезиларли фаоллашгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўтган ойда Туркманистонда Ҳудудлар форуми, саноат кўргазмаси ва Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, Ашхобод шаҳрида атоқли мутафаккир ва шоир Махтумқули Фироғий асарларининг ўзбек тилидаги тўплами тақдимоти ҳамда унга бағишлаб биргаликда суратга олинган бадиий фильм намойиши бўлиб ўтди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Юк ташишлар, шу жумладан, Туркманбоши порти орқали кўпаймоқда. “Шовот — Тошовуз” чегараолди зонаси қурилиши давом этмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа йўналишларда кооперация кенгаймоқда.

Энергетика ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий халқаро вазият ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари Туркманистон етакчисини яқинлашиб келаётган байрам — Бетарафлик куни билан самимий табриклаб, биродар туркман халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

ЎзА

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН РАҚОБАТ МАЙДОНИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни автомобиль саноатида 2025 йил учун устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу масала ўтган ойда муҳокама қилинган, мутасаддиларга режаларни танқидий кўриб чиқиш топширилган эди. Бу галги тақдимотда Президент кўрсатмалари асосида такомиллаштирилган чора-тадбирлар баён қилинди.

Аввало, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига эътибор қаратилади. Ҳозир йилига 400 мингдан зиёд автомобиль сотиляпти. Аҳоли жон бошига даромад ошаётгани боис, бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. Бундан фойдаланиб, талабга яраша маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қолаверса, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилмоқда. У ҳолда бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат янада кучаяди. Шунинг учун сифат устида ишлаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, 2025 йилда “BYD” автомобилларининг 60 та деталини маҳаллийлаштириш ҳисобига электромобиль таннархини пасайтириш мумкин. Ушбу компания раҳбарияти ҳам юртимиздаги тармоқ корхоналари салоҳиятини юқори баҳолаган. Шу боис, Маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш маркази имкониятларини ишга солиб, ҳудудий корхоналар билан кооперация ҳажмини 2 карра ошириш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим масала — экспорт. Сўнгги йилларда қўшни давлатларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани натижасида 40 мингдан ортиқ автокомплект сотилган. Келгуси йил экспортни 700 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, Самарқанддаги автобус ва юк транспорти корхоналарини ҳам ташқи бозорларга олиб чиқиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталди. Замон талабларига мослашиб, ишлаб чиқаришни барқарор қилиш, маркетинг ва сифат бўйича ҳар куни изланиш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚПАРВАР ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

“Ҳамма халқлар учун ёзилган конституция ҳеч бир халққа мос келмайди”, деб ёзган экан XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган француз сиёсатчиси, файласуф Жозеф де Местр. Ушбу фикр қайсидир маънода ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, маданияти ҳамда қадриятлари борлигини ва у ўз келажагини ана шу миллий ўзликдан келиб чиқиб қуришга ҳақли эканини тасдиқлайди. Дунёда турли мураккаб геосиёсий жараёнлар кечаётган бир пайтда биз ҳам 2023 йилда Конституциямизга янги мазмун бағишлаб, замон талабларига жавоб берадиган ҳужжат яратдик.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги арафасида асосий қонунимиз аҳамияти ҳақида фикр юритиш, айниқса, муҳим. Зеро, Конституция фақатгина юридик ҳужжат эмас, балки халқимизнинг умумий мақсадларини белгилаб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайдиган пойдевор ҳамдир.

Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганига энди бир ярим йилдан ошди. Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари 2023 йил 8 майда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқотида янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш бўйича 30 апрелда бўлиб ўтган референдум якунлари ҳақида гапирар экан, жумладан, бундай деган эди: **“Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон — жамият — давлат”, деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз”.**

Давоми 2-бетда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

14-МОДДА

Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ

Конституциямизда белгиланган беш асосий тамойил – СУВЕРЕН, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ ва ДУНЁВИЙ давлат мақсадларининг тўртинчи таҳлили

“Одамлар эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди”. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг илк даврларида илгари сурган ушбу ғоя замирида халқимиз ҳур, эркин, фаровон ҳаёт кечириши, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, жамиятимизда тенглик ва адолат тамойиллари барқарор бўлишига эришишдек улкан мақсадлар ўз аксини топган.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Ўтган йилларда ушбу ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқариш, адолатли жамият, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадрини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар қилинди. Хусусан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган ўзгаришлар жараёнида ижтимоий давлат модели тушунчаси илгари сурилди.

Президентимиз ушбу тушунчани изоҳлар экан, **“Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”,** дея таъкидлаган.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда ушбу тамойил мустаҳкамланиши натижасида инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Юртимизда кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари сезиларли ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши бу жабҳадаги ишлар ривожига хизмат қилмоқда. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳамда маҳаллабай ишлаш тизими ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтириш, оилаларнинг даромадини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, ёшлар ва хотин-қизларга замонавий касбларни ўргатиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш борасида тизимли ишлар қилиняпти. Ушбу хайрли амаллар **“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”** эзгу ғоясини рўёбга чиқариш, халқимизни бугунги яшаётган кунидан рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омил бўлмоқда.

ТАҲРИРИЯТ

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ – ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ ДЕМАКДИР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига бу йил 32 йил тўлади. Бу муддат асрларни қаритган тарих олдида жуда қисқа фурсат, албатта. Бироқ унинг мамлакат ривожи, аҳоли турмуш фаровонлигини, ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

2023 йилда умумхалқ референдуми асосида янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинган эди. Ўтган қисқа вақт мамлакат учун муҳим ўзгаришлар даврига айланди. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишларга асос бўлган ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотлардан асло ортга қайтмаслигини, қонун устуворлиги ва барқарор ривожланишга мудом интилишини тасдиқлайди.

Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деган норма мустаҳкамланди. Янги киритилган ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат тамойили мустаҳкамланди, энди барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунади ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Давоми 3-бетда

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддаси.



Янги Ўзбекистоннинг халқпарвар ҳуқуқий пойдевори

“Конституцияда меҳнат соҳасида адолатли иш ҳақи, гендер тенглик ва иш жойида камситишларга йўл қўймаслик мустаҳкамлаб қўйилди. Бу, айниқса, аёллар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ҳомиладорлик ёки болали бўлгани боис, аёлларни ишга қабул қилишдан бош тортиш ёки уларнинг маошини камайтиришга йўл қўйилмайди.



Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси



Бошланиши 1-бетда

Ушбу йиғилишда мен ҳам иштирок этган эдим. Шавкат Мирзиёевнинг қатъий айтган ушбу сўзлари кўплар қатори мени ҳам ҳаяжонга солди. Зеро, бу сўзлар замирида келажакка, халқимизга, унинг чексиз бунёдкорлик салоҳиятига қатъий ишонч мужассам эди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлайдиган қонунлар ва институтлар тизимини янада такомиллаштириб, дунёда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Бу жараён янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топди. Унда нафақат мамлакатнинг уч минг йиллик тарихи ва маданияти, балки замонавий дунё конституционализми асослари ҳам тўлиқ акс этди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ва халқаро меъёрлар асосида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари мутлақ устуворликка эга бўлди. Фуқароларнинг барча зарур ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Албатта, ***амалдаги Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш референдумсиз ҳам Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси учдан икки қисми овози билан амалга оширилиши мумкин эди. Бироқ Президент миллий референдум ўтказиш таклифини илгари сурди. Мамлакат аҳолисининг ушбу жараёнга кенг жалб этилиши давлатимиз раҳбарининг юртимиз фуқароларига, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва истакларига алоҳида эътибор билан қарашини яна бир бор исботлади. Миллатимиз лидери айнан халқ билан мулоқотда улкан ва туб ислоҳотларни, жумладан, Конституцияга доир ўзгартишларни амалга оширишда куч ва жасорат берадиган қувват ва илҳом манбаини топди.***

“Қонун кучли, аммо эҳтиёж ундан ҳам кучли”, деган эди Иоганн Вольфганг Гёте. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги таҳрирдаги Конституциянинг яратилиш тарихи мамлакатимиз учун муҳим воқеага айланди. Унинг ҳар бир моддаси халқ хоҳиш-иродасини ифода этди ва бу ўзгаришлар юртимизда кенг кўламли ислоҳотларга йўл очадиган чинакам инсонпарвар сиёсатнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш эҳтиёжидан келиб чиқди, десам, асло муболаға бўлмайди. Зеро, Конституция муҳокамаларида миллионлаб юртдошимиз иштирок этди, 222 минг 715 та таклиф киритилди. Конституция лойиҳасидаги моддалар сони 128 тадан 155 тагача оширилди, нормалар эса 275 тадан 434 тага етказилди. Бу жараёнда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдум ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Сайловчиларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирни қўллаб-қувватлади.

Шу ўринда Конституциянинг адолатли ва барқарор жамият қуришдаги аҳамияти қандай, деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Чунки мукаммал жамиятни, “Фозил одамлар шаҳри”ни орзу қилиш — иррационал утопия маҳсули. Ваҳоланки, дунёда мукаммал жамиятнинг ўзи йўқ. Аммо инсониятнинг энг қадимий эҳтиёжларидан бири бўлган адолатли, барчага тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берадиган, шу билан бирга, тенг мажбуриятлар юклайдиган жамият қуришнинг имкони ҳам, зарурати ҳам бор.

Конституция мана шу адолатни кафолатлайди ва таъминлайди. Бунинг учун жамиятнинг ўзи ҳам ўзгаришларга тайёр бўлиши, уни исташи ва қонунларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини аслича қабул қилиши керак. Агар жамиятнинг ўзи ўзгаришни истамаса, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг халқимиз руҳияти, онгу тафаккури замон билан ҳамнафас ўзгариши кераклигини, бу эса, шак-шубҳасиз, халқимиз ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини бот-бот такрорлашида ҳам айни шу ҳақиқатнинг инъикосини кўриш мумкин.



Орзу-ниятларга етиш учун нафақат мустаҳкам ҳуқуқий, балки фалсафий ва маънавий асос керак эди. Бу янги таҳрирдаги Конституция тимсолида намоён бўлди. Халқимиз учун бу Конституция қандайдир мавҳум тушунча эмас. Конституция — қонун. Тўғри, у қайсидир маънода моддий ҳам эмас. Бироқ Конституцияда мустаҳкамланган қоидалардан келиб чиқадиган оқибатларни биз бугун ўз кўзимиз билан кўряпмиз, ҳис қиляпмиз.

Дарҳақиқат, бугун замон ўзгаряпти. Башарият келажагига таҳдидлар кучайган, турли минтақаларда уруш ва ўзаро нафрат аланга ғайрат-шижоати ўша давр қолипларига сиғмаётганини биз — унинг атрофидагилар сезиб турар, унинг илғор тафаккури ортидан қолмасликка ҳаракат қилардик.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституциясини янгилаш давр талаби эканини такрорлар экан, жамиятга, халқимизга янги Ўзбекистон ғоясини сингдира олди, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида кўз ўнгимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини уйғотди. Бугунги бунёдкорлик, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний ўзгаришлар, янгича тафаккур, янгича аъмоллар... “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилнинг фаолиятимиз асосига айлангани халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, булар мамлакатимизда Учинчи Ренессанс даврини бошлаб берди, халқимиз қонида мудраб ётган бунёдкорлик, тадбиркорлик, илму маърифатга интилишни уйғотди. Ҳақиқатан, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Янги Ўзбекистоннинг “Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи”, дея бошланадиган янги Конституцияси эса мазкур ислоҳотлар ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади.

Баъзан ўйлаб қоламан, нега янги Ўзбекистон? Унинг мазмун-моҳияти нимада? Ахир янги ибораси жадид сўзи билан ҳамоҳанг-ку! Миллати саводли, ўқимишли, юксак орзуниятли, заминимизни илғор мамлакатлар қаторида кўришни истаган боболаримиз орзусидаги давлат барпо этиш ғояси узоқ ўтмиш қаъридан бугунимизга кўчмадимикан? Агар шундай бўлса, давлатимиз раҳбари атрофида жипслашганлар, Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилишга жидду жаҳд қилганларни ҳам жадидлар дея оламизми? Шубҳасиз, шундай! Зеро, шитоб билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни, кимлигимизни топишга, илму урфонни ривожлантиришга, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллату камчиликларимиздан қутулишга интилаётганимиз, юксак марраларни кўзлаётганимиз жадид боболаримиз орзу қилган маъво эди.

Қолаверса, мана шу орзу-ниятларга етиш учун нафақат мустаҳкам ҳуқуқий, балки фалсафий ва маънавий асос керак эди. Бу янги таҳрирдаги Конституция тимсолида намоён бўлди. Халқимиз учун бу Конституция қандайдир мавҳум тушунча эмас. Конституция — қонун. Тўғри, у қайсидир маънода моддий ҳам эмас. Бироқ Конституцияда мустаҳкамланган қоидалардан келиб чиқадиган оқибатларни биз бугун ўз кўзимиз билан кўряпмиз, ҳис қиляпмиз.

Шу ўринда яна адолат ва эҳтиёж ҳақидаги фикрни такрорлашга тўғри келади. Одамлар яхши яшашни, ўз меҳнатига яраша маош олишни, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланишини, қариганда муносиб пенсия билан таъминланишни истайди. Адолат одамларда келажакка ишончни мустаҳкамлайди. Шу боис, янги Конституцияда адолат жамият ва давлат муносабатларининг марказий ғояси сифатида белгиланди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатланди. “Давлат — жамият — шахс” парадигмаси “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгарди.

Конституцияда инсон ҳуқуқларига эътибор сезиларли даражада ошди. Дунё мамлакатлари қонунларида белгиланган 110 дан ортиқ ҳуқуқдан 90 таси янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланди. Экологик масалаларга алоҳида аҳамият берилиб, табиатни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда Оролбўйи минтақасини тиклаш бўйича давлат мажбуриятлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, аждодларимиз мероси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро стандартлар Конституциянинг маънавий асосларини бойитди. Халқимизнинг қадриятлари, жумладан, бағрикенглик ва адолат каби фазилатлар асосий қонунимиз мазмун-моҳиятига сингдирилди.

Шу билан бирга, Конституция янги ташқи сиёсий йўналишларимизни ҳам акс эттирди. Янги Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, глобал иқтисодиётда фаол иштирок этиш ҳамда барқарор ривожланишга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Таълим соҳасида адолатли қоидалар жорий этилди. Мактабгача таълимдан умумий ўрта таълимгача бўлган босқичлар бепул қилинди. Барча болалар учун тенг имконият яратишни назарда тутувчи инклюзив таълим таъминланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат тиббий ёрдамни кафолатлаган ҳолда рақамли технологияларни жорий қилиш, эпидемияларга қарши чора-тадбирларни кучайтиришга катта эътибор қаратди. Бу нафақат тиббий хизматлар сифатини ошириш, балки уларни барча учун бирдек қўллашни назарда тутади.

Конституцияда меҳнат соҳасида адолатли иш ҳақи, гендер тенглик ва иш жойида камситишларга йўл қўймаслик мустаҳкамлаб қўйилди. Бу, айниқса, аёллар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ҳомиладорлик ёки болали бўлгани боис, аёлларни ишга қабул қилишдан бош тортиш ёки уларнинг маошини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Асосий қонунимизда ижтимоий давлат тамойили мустаҳкамланди. Бу давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, қашшоқликни камайтириш ва тенгликни таъминлаш йўлида фаол ҳаракат қилади, деганидир.

Шу билан бирга, Конституция ёшлар учун таълим, тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллик соҳаларида янги имкониятлар эшигини очди. Асосий қонунда оилавий кафолатлар, уй-жой ҳуқуқи ва ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам акс эттирилди.

Конституциянинг аҳамияти фақат қонунчилик билан чекланмайди. У жамиятнинг маънавий, маданий ва фалсафий тамойилларини ҳам белгилайди. Янги Ўзбекистон Конституцияси қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбекистон ижтимоий давлат этиб белгиланди. Эҳтиёжманд шахслар учун кучли ижтимоий ҳимоя ва ғамхўрлик давлат сиёсати йўналишининг муҳим қисмига айланди.

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат сифатида таърифланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари конституциявий даражада кафолатланди.

Таълим олиш ҳуқуқи кенгайтирилди. Ўқитувчиларга конституциявий мақом берилди, фуқароларнинг давлат гранти ҳисобидан олий таълим олиш ҳуқуқи кафолатланди.

Оилани тўлиқ ривожлантириш учун давлат ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни конституциявий даражада мустаҳкамлади.

Ҳеч қандай камситишларсиз ва энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган адолатли меҳнат ҳақи олиш ҳуқуқи кафолатланди.

Ўлим жазоси конституциявий даражада тақиқланди. Давлат ҳам инсонни ҳаётидан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир шахс учун мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, истиқомат жойини танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Давлат фуқароларнинг интернет тармоғидан фойдаланиши учун зарур шароитларни яратиши кафолатланди.

Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, жамият ва давлат ҳаётида уларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш мустаҳкамланди.

Миллий рақобатбардош иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш конституциявий кафолатга эга бўлди.

Давлат бошқарувининг самарали, яхлит ва халқпарвар тизимини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш орқали аҳолининг фаровонлиги ва давлатнинг барқарор ривожланиши таъминланади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Адвокатларнинг фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш учун Конституцияга адвокатура институтига бағишланган алоҳида бўлим киритилди.

ОАВ ва журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун конституциявий кафолатлар таъминланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти кафолатларини белгилашга бағишланган фуқаролик жамияти институтлари ҳақидаги алоҳида бўлим Конституцияга киритилди.

Ижтимоий йўналтирилган янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларни бажариш аҳолини қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтиришни ва бюджетдан катта маблағ ажратишни талаб қилади. Бу эса нафақат иқтисодиёт тармоқларининг барқарор юқори ўсиш суръатини таъминлаш, балки иқтисодий туб ўзгаришларни амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Янги Ўзбекистон ривожланиш стратегиясида 2030 йилга бориб, одам бошига ЯИМни 1,6 баробар, даромадни эса 4 минг доллардан ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторидан жой олиш мақсадлари белгиланган. Ўзбекистон иқтисодиёти 2023 йилда 6 фоиз ўсиб, ЯИМ салкам 90,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот қиймати 2468 долларга ўсди.

Экспорт ўсиш суръатини ва Конституцияда белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда, 2026 йилга бориб, Ўзбекистон экспортини 40 миллиард долларга, 2030 йилга бориб эса 80 миллиард долларга етказиш мумкин. Бу ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджетга маблағ оқимини сезиларли ошириш, иш ўринларини яратиш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон экспорт структурасидаги улушини оширишга ёрдам беради.

Шубҳасиз, бу мураккаб вазифа, аммо уни амалга ошириш учун мамлакатимиз ҳамда халқимизда етарлича имконият ҳам, салоҳият ҳам бор. Стратегиянинг бошқа мақсадли кўрсаткичларини янгилаш мамлакатга иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш ва янги таҳрирдаги Конституция асосида ривожланишнинг янги тарихий босқичига қадам қўйиш имконини беради.

Янги Ўзбекистон Конституцияси шунчаки ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки халқимизнинг азалий қадриятлари, орзу-умидлари ва буюк келажакка ишончининг ёрқин тимсолидир. У инсон ҳуқуқлари, миллий бирлик ва адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, жамият барқарорлиги ва фаровонлигининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг халқпарвар сиёсати жамиятда чуқур уйғониш, янги тафаккур ва улкан ислоҳотларга илҳом бағишламоқда. Бугунги кун нафақат имтиҳон, балки халқимиз учун янги имкониятлар эшигини очувчи даврдир. Конституция асосида шаклланган адолатли қонунлар, юксак маданият ва барқарор тараққиёт йўлидаги биргаликдаги қадамларимиз, шубҳасиз, биз орзу қилаётган фаровон келажакни барпо этишнинг асосий гарови бўлади.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасидан.



8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ – ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ ДЕМАКДИР



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олди. Бу мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибадор пенсия тизими кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 154-моддаси билан 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмаслиги белгиланди. 154-модданинг ўзидаги айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, бу норма Ўзбекистон ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлигини кафолатлайди.

Халқ Конституцияси, дея эътироф этилган Бош қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани қатъий белгилангани бежиз эмас. Кейинги йилларда бу борадаги қонун ҳужжатлари, ижтимоий дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш харажатлари сезиларли ошиб, нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди. Ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди ва бу йўналишда мутлақо янги ҳамда ўзига хос тизим ишга тушди.

Жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадлар учун жорий этилган, хотин-қизлар, ёшлар, умуман, ижтимоий ёрдамга муҳтожлар муаммо ва камчиликлари манзилли ўрганилиб, уларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Кексалар ва муҳтожлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг ўлмас қадрияти ҳисобланади ва бундай эзгу ҳаракатлар бугун янгича маъно-мазмун касб этяпти, амалий ҳаракатлар янада такомиллаштирилмоқда. “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ”, “Ёшлар — келажагимиз” каби дастурлар шу мақсадлар учун хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Юқоридаги фикрлар исботини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: 2016 йилдан 2022 йилгача ижтимоий нафақаларга ажратилаётган маблағ 10 баробар оширилди. Натижада ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 5,1 баробар ортиб, 1,2 миллиондан зиёд оилага нафақалар тўлаб келиняпти. Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали бундай нафақаларни автоматик тарзда тайинлаш тизими йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, шаффофликни таъминлаш имкониятини яратди.

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ жараёнлар маҳалла миқёсида ҳал этиляпти. Хусусан, “маҳалла еттилиги” оилалардаги ижтимоий муаммонинг сабаби, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, мавжуд имкониятларни баҳолаб, уларни оғир вазиятдан олиб чиқиш бўйича ижтимоий хизматларни сафарбар қиляпти. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёрдамларни оиланинг ижтимоий аҳволини индивидуал баҳолаш асосида кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу борада ягона саволнома жорий қилинди.

Яна бир муҳим жиҳати, маҳалладаги барча ижтимоий хизматларни босқичма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилмоқда. Бу жараёнда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади. Энди нафақа олувчилар рўйхатига, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлай олмайдиганларнинг оилалари киритилади. Аҳолига кўрсатиладиган барча ижтимоий ёрдамлар “ижтимоий карта” орқали молиялаштирилади.

Бундай статистик рақамлар, янгиланишларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, ижтимоий давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси яратилган Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалари қарийб уч баробар ортди ва “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили амалда ўз исботини топмоқда.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли.



Аҳолини камбағалликдан чиқариш борасида ҳам маҳаллаларда тизимли ишлар қилиняпти. Ўтган давр мобайнида 208 минг 442 та оила камбағалликдан чиқарилди. Натижада камбағаллик даражаси 2,4 фоиз қисқариб, 8,6 фоизга туширилди.

“Маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда “маҳалла еттилиги” билан банклар ўртасида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Бандлик дастурлари шакллантирилиб, барча маҳаллаларга 16 та банк масъули бириктирилди. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, бугунги кунда қарийб 703 минг аҳоли бандлиги таъминланди.”

Маҳаллаларга кўплаб ваколатлар берилгани билан унга молиявий мустақиллик берилмаса, ечимини кутаётган масалаларнинг ҳал бўлиши мураккаб. Тўғри, дастлаб ҳар қандай тизимнинг ишлаб кетиши учун биринчи ўринда давлатнинг ўзи бош-қош бўлиб, барча ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий сармояларни киритади. Бироқ бу тизим ишлаб кетганидан кейин давлат унга ўзини ўзи молиялаштириш учун ҳам шароитларни яратиб бериши лозим.

Шу маънода, “Маҳалла бюджети” тизими йўлга қўйилди. Ўтган муддат давомида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этиш жамғармасига 307,8 миллиард сўм туширилди. Бугунги кунда жамғармага тушган 126,6 миллиард сўм манзилли ва мақсадли сарфланди. Жумладан, ушбу маблағ ҳисобига маҳалла биноси, спорт, болалар майдончаси, кутубхона қурилди, ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланди, камбағал оилаларга моддий ёрдам берилиб, уй-жойлари таъмирланди.

Аҳоли муаммолари билан ишлаш ва “еттилик” фаолиятини тизимли йўлга қўйиш бўйича 24 соат ишлайдиган “Call-марказ” фаолияти (12-76 қисқа рақам) йўлга қўйилди, 3 мингдан ортиқ мурожаат ҳал этилди.

Шунингдек, маҳаллаларга аҳолидан келиб тушган 2,5 миллиондан ортиқ мурожаатнинг 85 фоизи йиғиннинг ўзида ҳал этилди. Натижада 38,5 фоиз маҳалла жиноятчиликдан, 16,4 фоизи оилавий ажралишлардан, 20 фоизи ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Йил якунига қадар юқорида санаб ўтилган ишлар тизимли ва манзилли равишда давом эттирилади. Шу асосда 7563 та маҳаллада 151,5 мингга яқин ишсиз аҳоли ҳамда меҳнат бозорига кириб келган 171,5 мингдан зиёд битирувчи ёшнинг бандлиги таъминланади. “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан самарали фойдаланиш орқали кам даромадли 147 мингдан ортиқ хонадонда қўшимча даромад манбаи яратилади.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари кўмагида 106,5 мингга яқин оила ва улардаги 503 мингдан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилади. Кам таъминланган оилалар улуши юқори, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инфратузилма билан таъминланиш даражаси паст бўлган мингта маҳаллада муаммоларни ҳал этиш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади. Йил якунига қадар аҳоли муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал қилинадиган тизим яратилади ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолари мустақил фаолият юритадиган идорага айлантирилади.

Умуман олганда, маҳалла институти мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланиши фуқаролар йиғинларига аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, эҳтиёжмандларга кўмак кўрсатиш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, давлатнинг ижтимоий сиёсатини қуйи тизимда олиб бориш имкониятини тақдим этяпти.

Қолаверса, маҳалла нафақат бошқарувнинг чинакам биринчи бўғинига айлантирилди, балки унга ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати ҳам берилди.

Юқорида Конституция белгилаб берган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишларга бир қур назар ташладик. Бу денгиздан томчи, холос. Маҳалла даражасида қилинаётган ишларни сарҳисоб этсак, уларнинг адоғига етиш мушкул. Шундай бўлса-да, қисқа рақамлар, аниқ йўналишдаги ишларни кўрсатиш орқали маҳаллага билдирилган ишонч, берилган имкониятлар қайсидир маънода ўзини тўла оқлаяпти дейишга асосларимиз етарли. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, интилиш ва изланишлар бир лаҳза бўлса-да, тўхтаб қолмайди. Аксинча, жадаллик касб этиб, маҳалланинг нуфузи янада оширилади, аҳоли муаммоларини ҳал қилишдаги ўрни мустаҳкамланади. Зотан, Конституция бизга шундай имкониятни тақдим этади.

Маҳалла мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланди

Биз узоқ йиллар давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида эътироф этиб келдик. Бироқ, аслида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тушунчаси ҳам, унинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги ҳам Конституцияда мустаҳкамланмаган эди. Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда маҳалла институтига янгича таъриф берилди. Яъни уни халқ дарди ва ташвиши билан яшаётган чинакам йирик фуқаролик жамияти институти сифатида ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш мақсадида унинг мақоми Конституция даражасида эътироф этилди. Бош қонуннинг маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига бағишланган XXI бобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги тушунча ҳам киритилди. Шунга кўра, 127-моддада бундай дейилади:

“Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди.

Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари қонун билан белгиланади”.

Маҳалла институти мақомини Конституцияда мустаҳкамлашнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, бугунги кунда барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ҳамда профилактика инспекторларидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани давлатнинг ижтимоий сиёсати туман ёки шаҳардан эмас, балки маҳалладан туриб амалга оширилишини таъминламоқда. Зотан, янгиланган Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланганини ҳисобга олиб, унинг бу борадаги сиёсати айнан маҳалладан бошланиши мантиқан тўғри.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, охирги саккиз йилда маҳалла институтини такомиллаштиришга қаратилган 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, бу ҳужжатларнинг мақсади маҳаллани чинакам ижтимоий институтга айлантириш ва жамият бошқарув тизимида унинг алоҳида ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган. Маҳалла — барчамизни жипслаштирадиган, меҳр-оқибатни, инсонийликни ўргатадиган, асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб келадиган маскан. Соҳадаги ислоҳотлар натижасида у ҳаётимизга дахлдор барча масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланди.

Хусусан, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатлари кенгайтирилди, уларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнлар рақамлаштирилди. Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 9452 та маҳалла фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **“Бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу — албатта ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар — давлатимизнинг энг катта замини”**.

Айни йўналишда жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида қилинган ишларни сарҳисоб қилсак, давлатнинг маҳаллага эътибори, ҳар қандай масала маҳалла даражасида ҳал этилаётгани бежиз эмаслиги ойдинлашади. Рақамларга эътибор беринг: йил бошида 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9452 та маҳалла, 208 та туман (шаҳар), 14 та ҳудуд ҳамда республика баланси шакллантирилди. Баланс асосида аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” ва маҳаллалар “омбор китоби” ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг уйма-уй юриб ўрганишлари натижасида инфратузилма билан боғлиқ аниқланган 278 мингдан зиёд муаммодан қарийб 260 мингтаси (93 фоиз) ҳамда аҳолининг ижтимоий масалаларига оид аниқланган 201,5 мингга яқин муаммодан 95 фоизи ҳал этилди.

Маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда “маҳалла еттилиги” билан банклар ўртасида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Бандлик дастурлари шакллантирилиб, барча маҳаллаларга 16 та банк масъули бириктирилди. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, бугунги кунда қарийб 703 минг аҳоли бандлиги таъминланди. Айнан маҳаллалар кўмагида Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон ва Уйчи туманлари тажрибалари асосида 4 миллион 713 мингта хонадонда томорқадан самарали фойдаланишга ўтилди. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 3 миллионга яқин хонадонда қўшимча даромад олиш имконияти яратилди.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш борасида ҳам маҳаллаларда тизимли ишлар қилиняпти. Ўтган давр мобайнида 208 минг 442 та оила камбағалликдан чиқарилди. Натижада камбағаллик даражаси 2,4 фоиз қисқариб, 8,6 фоизга туширилди.

Камбағал оилаларнинг 6,5 мингдан зиёд аъзоси доимий ишга жойлаштирилди, қарийб икки минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 6,5 мингдан ортиқ оилага 11,8 миллиард сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди, 16 минг 600 га яқинига нафақа тайинланди. Бундай тоифадаги оила аъзоларига 25,1 миллиард сўм субсидия, 40,3 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бош қонунимизда “Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади”, дейилган. Шунга кўра, ўтган давр мобайнида “маҳалла еттилиги”га қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида барча маҳаллаларнинг моддий-техник таъминоти хатловдан ўтказилди. 250 та маҳаллага янги бино қурилди, 392 таси жорий, 79 таси капитал таъмирланди, 59 таси реконструкция қилинди. Айни пайтда яна 211 та маҳаллага янги бино қурилмоқда, 83 таси жорий, 34 таси капитал таъмирланиб, 42 таси реконструкция қилиняпти.



6,5 мингдан ортиқ оилага 11,8 миллиард сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди, 16 минг 600 га яқинига нафақа тайинланди. Бундай тоифадаги оила аъзоларига 25,1 миллиард сўм субсидия, 40,3 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бунёдкорлик

Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир.
Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.
Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.
Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ИНСОН ҚАДРИ ИЛА ЮКСАЛГАН АДОЛАТ

Мамлакатни тараққий эттиришнинг ягона йўли халқ ва ҳукуматнинг бирдамлиги, бир бутун халқ, ягона ватан бўлиб олға интилишдир. Бу ўз-ўзидан мамлакат олдига ижтимоий адолатни таъминлашдек муҳим вазифани қўяди. Улуғ аждодларимиз азалдан ижтимоий давлат ғоясини илгари сурган. Хусусан, буюк бобомиз Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асари орқали маърифатли жамиятни улуғлаган. Инсон капиталига жиддий эътибор берган.



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буни яна бошқа кўплаб аждодларимиз илмий меросида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Алишер Навоий ўз ижодида инсонларнинг бахтли яшаши учун муносиб ижтимоий муҳит яратиш, фаровон жамият қуриш, маърифатли давлат бошқаруви, адолатпарвар ва одил ҳукмдор, инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли ва бағоят ахлоқли бўлиши каби қарашларни илгари сурган.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани қатъий белгиланди. Шу орқали аждодлар орзусига монанд иш кўриш, уни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалий тус олди. Маълумки, “ижтимоий давлат” негизида “инсон қадрини улуғлаш” ғояси ётади. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатлаш, сифатли таълим ва тиббий хизмат, болалар, хотин-қизлар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожлар бандлиги, уй-жой билан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитларини кафолатлаш, деганидир. Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади ижтимоий давлат қуриш эканини белгилаб бериш орқали мазкур йўналишдаги ишлар ортга қайтмас тус олди. Айни пайтда бу борадаги ислоҳотлар янги босқичга чиқди. Ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмини назарда тутадиган конституциявий асослар мустаҳкамланди. Шу тариқа тарихда илк бор Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланди. Яъни инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани қайд этилди.

Шу билан бирга, Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланди. Умуман, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар сони 3 баробар кўпайди, мазкур масъулиятни тўла адо этиш борасидаги ислоҳотлар жадал тус олди. Бугун “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосида аҳолини қўллаб-қувватлаш, бу соҳадаги хизматларни кенгайтириш ва сифат кўрсаткичини янада яхшилаш борасида изчил ишлар бажарилмоқда.

Муҳими, барча ислоҳотлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар — “Инсон қадри учун”, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Давлат — инсон учун”, “Инсон — жамият — давлат” деган халқчил тамойиллар асосида олиб борилмоқда. Буни сўнгги йилларда ушбу йўналишда ўзига хос янги тизим яратилганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари орқали хотин-қизлар, ёшлар, умуман, ижтимоий ёрдамга муҳтожларнинг муаммо ва камчиликлари ўз вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, ижтимоий хизмат турлари ва кўлами кенгайтирилмоқда. 2023 йил 1 июнда давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Шу орқали мазкур йўналишдаги ишларни бир жойда марказлаштириб, самарали амалга ошириш имконияти туғилди. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қиладиган, шу турдаги хизматлар кўрсатадиган, ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширадиган ваколатли давлат органидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳам тасдиқланди. Бундан мақсад меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий таъминот билан қамраб олиш, ижтимоий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш, ижтимоий ёрдам дастурларини мустаҳкамлаш, хусусан, ижтимоий ёрдам тайинлаш мезонларини доимий равишда такомиллаштириб боришдан иборат.

Ўтган даврда агентлик томонидан ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги ва манзиллилиги жойларга чиқиб ўрганилди. Бу жараёнда тизимни маҳалла даражасида адолатли ташкил этиш, тўғри молиялаштириш, оғир аҳволга тушиб қолган одамларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш борасида қатор ишлар бажарилмоқда.

— Яқин даврга қадар муҳтож аҳоли турли ижтимоий хизмат ва ёрдамларни олиш учун маҳаллий ҳокимликлар ёки маҳалла раислари олдига бориши, ҳужжатлар йиғиши ва бир нечта жойга мурожаат қилиши керак эди, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров. — Бугун барча ижтимоий хизматларни агентлик тасарруфидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар орқали кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди. Аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамнинг бир жойда тақдим этилиши орқали ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка чек қўйилди.

> **Илк бор 208 та туман (шаҳар)да ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиб, ижтимоий хизматларни ташкил этиш маҳаллага туширилди. Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш ҳамда ижтимоий иш (кейс менежмент)ни ташкил этиш мақсадида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” АТ таркибида “Инсон” АТ ва E-case электрон модуллари ишлаб чиқилди.**

Илк бор 208 та туман (шаҳар)да ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиб, ижтимоий хизматларни ташкил этиш мақсадида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” АТ таркибида “Инсон” АТ ва E-case электрон модуллари ишлаб чиқилди.

Ўтган йили 49 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам сони 103 та (2 баробар)га етказилди ва рақамлаштирилди ҳамда электрон модуллар вазирлик ва идораларнинг 55 та маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун 4 миллионга яқин ариза келиб тушган. Бундан мезонга мос келмаган оилаларни реестрдан чиқариш тартиби жорий этилди. Мазкур ўзгариш ҳам адолатни таъминлаш, ажратилган маблағлар ҳақиқий эгасига етиб боришига хизмат қилмоқда.

Бугун кам таъминланган сифатида 960,8 мингта оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўланмоқда. Ушбу оилаларда 4,2 миллион киши яшаса, шуларнинг 2,4 миллиони 18 ёшга тўлмаганларни ташкил этади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда илк бор синов тариқасида Яккасарой ва Юнусобод туманларида “Она уйлари” нодавлат ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. “Она уйлари” — болаларнинг ўз оиласида қолиши, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, оғир ҳаётий вазиятда қолган ҳомиладор аёллар ва ёш болали аёлларни қўллаб-қувватлаш институти яратилди.

Соҳадаги яна бир янгилик “ижтимоий карта” тизими жорий этилишидир. Бу орқали ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилади. “Ижтимоий карта” бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов воситаси, ҳам эҳтиёжманд тоифага мансублик тасдиғи ҳисобланади.

Бу тартиб дастлаб Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида, кейинги йилдан бошқа ҳудудларда жорий этилади. Натижада 72 турдаги ижтимоий хизмат, 76 турдаги ёрдам ва 200 га яқин имтиёз ягона электрон тизимга умумлаштирилади. Қоғоз шаклидаги ҳужжатлар бекор қилиниб, вақт ва маблағ тежалади. Соҳа тўлиқ рақамлаштирилиши орқали ҳар бир оиланинг эҳтиёжлари ва имкониятларини акс эттирадиган “ижтимоий рақамли паспорт” жорий этилади.

Камбағалликни қисқартириш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш барқарор ривожланиш ва фаровонликка интилаётган ҳар қандай замонавий давлат олдида турган устувор вазифалардан.

Айниқса, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар глобаллашиб бораётган бир пайтда бу масалаларга эътибор алоҳида аҳамиятга эга. Самарали ижтимоий ҳимоянинг муҳим жиҳати унинг инклюзивлиги ва қулайлигидир. Бу мамлакатимизда аҳолининг барча қатламларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Оғир ҳаётий вазиятларда фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқаришга кўмаклашиш жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш билан бирга давлатга, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди.

Иқтисодий барқарорликсиз камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя йўналишида натижага эришиб бўлмайди. Давлат иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва иш ҳақининг муносиб даражасини таъминлашнинг барча чораларини кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратаётган ушбу омиллар, албатта, ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу маънода, камбағалликни қисқартириш ва кучли ижтимоий ҳимоянинг мукаммал тизимини яратиш янги Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишига айланган.

Аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлар эса юртимизда ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши ва кенг имкониятлардан фойдаланишини таъминлайдиган том маънодаги адолатли жамиятни барпо этишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда бу борада салмоқли ва самарали ишлар қилиб келинмоқда. Зеро, ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга мадад беришга киришди. Молиявий ташкилий чоралар кўрилиб, тизим жорий қилинди. Бу ўз самарасини бериб, узоқ йиллар оғир вазиятда бўлган 3 миллиондан зиёд одамнинг шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди. Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган.

Асосий мақсад ҳам ижтимоий ҳимоя билан бандлик хизматларини ўзаро интеграция қилган ҳолда оилалар билан ишлаб, уларни манзилли, аниқ режалар асосида камбағалликдан чиқаришдан иборат.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз ижтимоий ҳимоя тизимини янги босқичга кўтариб, жамиятнинг барча қатламлари учун ҳақиқий кафолатга айлантирди. Ушбу тамойил мамлакатимизда ижтимоий адолат ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади.



МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ АСОСИ

Шерзод ҲИДОЯТОВ,
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири

Одамларнинг оғирини енгил қилишга, инсон қадри устуворлигига қаратилган сиёсат самараси бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида амалда намоён бўлаётир.



Ўзим шу соҳа вакили ва масъули сифатида бу самарани кўпроқ қурилиш, бунёдкорлик ишларида кўраман. Ахир ўтган қисқа даврда мазкур соҳада озмунча ишлар қилиндими?! Натижада бир пайтлар овлоқ, ташландиқ, одам яшашини тасаввур қилиш қийин жойларда катта-катта мавзелар, маҳаллалар, замонавий ижтимоий объектлар пайдо бўлди. Бугун улар одамларнинг севимли масканига, обод манзилга айланган. Оқилона инсонпарвар сиёсат, халқимизнинг бунёдкорлик шижоати туфайли йўқдан бор бўлди.

Бир мисол. Яқинда Президентимиз Янгиҳаёт туманидаги Ҳушнуд маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти, ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишди.

— Бугун келишимиздан мақсад қабул қилаётган қарорларимиз натижасини, одамлар ҳаётини кўриш. Худди бу тумандагидай ҳар бир ҳудудни ривожлантириш, одамларга қулайликларни ва иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Шу билан бирга, таълим-тарбияга, маданиятга катта эътибор қаратяпмиз. Билим ва маънавият мустаҳкам бўлса, иқтисодиёт ҳам яхши ривожланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маҳалла 2021 йили ташкил этилган. Бу ердаги 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та ҳовлида 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аввалларн бу жойлар чекка, кўримсиз эди. 2018 йилдан бошлаб замонавий уйлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қурилди. Атроф ободонлаштирилди.

Шунингдек, жорий йилда 2 та шаҳар ва 35 та шаҳарчанинг бош режалари ҳамда 94 та қишлоқни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Тегишли қарорлар тасдиқланди. Бу шаҳарлар қиёфаси янада чирой очади, қишлоқ аҳли ҳаёти шаҳардагидек бўлади, дегани.

Бу борадаги ишларни пишиқ-пухта амалга ошириш учун 105 та техник-норматив ҳужжат ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Намунавий лойиҳалар энергиятежамкор технологиялар, материаллар ва лойиҳа ечимларидан самарали фойдаланган ҳолда қайта ишлаб чиқилди.

“Шаффоф қурилиш” тизими орқали 12 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Мазкур тизимнинг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 9 мингга яқин объект бўйича лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш учун онлайн электрон тендер савдолари ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида бажарилган жами пудрат ишлари ҳажми 167 триллион сўмдан ортиқни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 9,1 фоиз ўсди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Умуман, Янгиҳаёт — янги туман. Унга қўйилган пойдевор ҳудудда кўплаб турар жойлар барпо этилиши ва минглаб оилаларнинг кўчиб кириши билан боғлиқ. Натижада бугунга келиб янги Ўзбекистоннинг янги тумани саноати, тадбиркорлиги, инфратузилмаси ривожланган, одамлар кайфияти юқори ҳудудга айланди.

Очиғини айтиш керак, яқин вақтларгача тақир ерлар ўрнида қават-қават иморатлар қад ростлайди, фарзандларингиз шу ердаги боғча ёки мактабга боради, маҳаллангизда замонавий завод-фабрикалар қурилади, дейилса, биров ишонармиди? Йўқ. Кейинги саккиз йилдаги ислоҳотлар одамларнинг турмуш тарзини тубдан яхшилади, ана шундай хаёлий тасаввурларни ҳаётга кўчирди. Қарашларимизни ўзгартирди.

Чиндан ҳам бундай кўламдор бунёдкорлик жараёни шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш баробарида одамлар ҳаётига файз, мазмун ва барака бағишлаяпти. Махсус дастурлар асосида қад ростлаётган арзон турар жойлар, намунали уйлар, янги массивларда одамлар муносиб ҳаёт кечирмоқда.

2017 йилдан бугунга қадар республикамиз бўйича жами 400 мингга яқин хонадондан иборат салкам 8 мингта кўп қаватли уй барпо этилгани фикримиз далилидир. Бинобарин, биргина объектнинг ишга туширилиши туфайли кимдир уйли, кимдир ишли бўляпти, ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланиб, қиёфаси янада чирой очяпти.

Мамлакатимизнинг демографик ўсиш суръати янги уйларга бўлган талабни тобора орттирмоқда. Шу боис, жорий йилда 2,5 минг гектар ҳудудда 53 та “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилмоқда. Келгуси беш йилда айнан шундай массивларда яна 250 мингдан зиёд оилани уй билан таъминлаш режалаштирилган.

Инсон қадри мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч, хавфсиз ва сифатли ҳаёт, яъни муносиб турмуш шароити, дегани. Ижтимоий давлат деганда эса ўз фуқароларига муайян фаровонликни кафолатлайдиган давлат тушунилади. Юртимиз бўйлаб замонавий уй-жойлар қад ростлаб, ҳаёт кечириш учун инфратузилмалар яратилаётгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар борлиги шундай дейишимизга асос бўлади.

Халқимиз хоҳиш ва истаги асосида янгиланган Конституциямизда одамларнинг бирламчи ҳуқуқларидан бири ҳисобланган уй-жой масаласига аниқ тавсиф берилган. Унга кўра, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга унинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган тартибда қопланади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

Қурилиш соҳасини модернизация қилиш мақсадида янги норма ва стандартлар жорий этилаётгани иш сифатини оширишда, замонавий архитектура-муҳандислик ҳунарларини қўллашда, экологик ҳамда хавфсизлик талабларига мувофиқ иш юритишда қўл келмоқда. Экоқурилиш ғоялари кенг ривожланяпти. Бунинг учун энергиятежамкор қурилиш материаллари, қайта тикланувчи энергия манбалари ва экодизайн элементларини қўллашни рағбатлантиришга урғу берилмоқда.

Қурилиш ва архитектура иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳаларига айлангани, бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгаяётгани айни шу эзгу мақсадларга хизмат қиляпти.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.
Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Содиқжон ТУРДИЕВ, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони

Ҳар бир мамлакатнинг ўз юксалиш услуби бор. Юксак тараққиёт йўлини белгилаб олган янги Ўзбекистон бу йўлдан дадил одимламоқда. Ушбу жараёнда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, оилаларда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва она ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 78-моддасида “Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади”, деб мустаҳкамлаб қўйилган.



МАҲАЛЛАНИНГ МАЪНАВИЙ УСТУНЛАРИ

Ёшлар тарбияси, маҳаллалар ва оилаларда ҳамжиҳатлик муҳитини асраб-авайлашда нуронийларга катта ишонч билдирилаётгани бежиз эмас. Ўзбекона қадриятларимизда оилавий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, оила ва маҳаллалар ободлигини таъминлашда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳим экани ҳаммамизга маълум. Бизда оилалар маҳаллага, маҳаллалар эса ватанга жамланиб боради. Бу қадриятлар силсиласида маҳалла ва оилаларнинг маънавий устуни бўлган кекса авлод вакилларининг алоҳида ўрни ва масъулияти бор.

Одамларнинг қалб қуёши қачон уйғонади?

Президентимизнинг жорий йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган тизимли ишлар камбағалликдан қийналаётган оилалар вакилларига касб-ҳунар ўргатиб, жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш йўлида улкан ҳаракатга айлангани айни ҳақиқат.

Бугун юртимизда барча оилаларни фаровонликка олиб чиқишга кенг йўл очилди. Ёнимизда яшаётган одамларнинг ҳар бири яхши яшаш, жамиятда ўз ўрнини топиш, фарзандларини билимли қилиб ўстиришни истайди. Камбағалликка тушиб қолган ҳамюртларимизнинг кўпи ўз вақтида касб-ҳунар эгалламагани, яхши маслаҳатчи, қўллаб-қувватловчи топа олмагани сабабли тушкун кайфият билан шу аҳволга келган. Маҳаллаларнинг ёши улуғлари ўша жойнинг пасту баландини, одамларини, қайси оиланинг қандай муаммоси борлигини, қайси хонадон камбағалликдан қийналаётгани ва бунинг сабабини яхши билади. Нуронийлар камбағал оилаларга кириб, улар билан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганиб, ўгит ва насиҳат бериб, касб-ҳунар ўргатиб қўллаб-қувватласа, уларнинг қалб қуёши уйғонади, дунёқараши, ҳаёти яхши томонга ўзгаради.

Айни пайтда “Нуроний” жамғармаси масъуллари, “Кексалар маслаҳати” ҳамда “Бувижонлар мактаби” гуруҳлари фаоллари маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда оилаларга кириб, хонадон муҳитини ичидан ўрганиб, муаммоларига ечим топишга кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 ноябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нуронийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан биз, нуронийлар зиммасига оилаларни камбағалликдан чиқариш, хонадон томорқасидан самарали фойдаланиш, томорқада юқори даромадли экинлар экилишини ташкил этиш, уларни парваришлаш кўникмасини шакллантириш ҳамда етиштирилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига ёрдам бериш каби йўналишларда муҳим вазифалар юкланди.

Маҳаллаларимизда ернинг тилини яхши биладиган кекса боғбон, уста деҳқон нуронийлар жуда кўп. Атрофимизда касб-ҳунари йўқ ёки муайян ҳунар эгаллаган бўлса-да, ҳаётда йўлини топа олмай қийналаётган ёшлар, камбағалликдан чиқиб кетиш йўлини излаётган оилалар бор. Бундай оилалар даромадли бўлиш учун кўчма дўконлар, кичик ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа зарур техника воситалари олишни орзу қиларди. Президентимизнинг мазкур қарори билан энди бундай оилаларнинг мушкули енгиллашади, қолаверса, нуронийлар ўзининг ноёб тажрибаси ва маслаҳати билан уларга кўмакдош бўлади.

Шунингдек, камбағал оила фарзандларининг қизиқишидан келиб чиқиб, маҳаллалардаги ҳунарманд ва усталарга шогирдликка берилиши, таълим муассасаларида ўқиётган ўғил-қизларининг эса ўқув жиҳозлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминланиши мамлакатимиздаги минглаб оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Айни йўналишда аҳоли, хусусан, ёши улуғ отахон ва онахонлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода, мазкур қарорда маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўналишида пиёда юриш маданиятини шакллантириш, хонадонларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва тозаликни сақлаш, оила аъзоларини зарарли одатлардан воз кечишга чақиришга қаратилган вазифалар белгилаб берилгани айни муддао бўлди.

Ушбу қарорга кўра, шахмат-шашка, футбол ва кексаларга мос бошқа спорт турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар кўлами кенгайиши ҳамда уларда нуронийлар иштирокини таъминлашга қаратилган ишлар ҳам ёши улуғларни беҳад мамнун этмоқда.

Нуроний — ҳар бир оилага масъул

Нуронийларнинг хонадонларга кириб ўрганиши таҳлилига кўра, камбағал оилада ўсаётган болаларнинг кўпчилиги тирикчилик ташвишини жуда эрта зиммасига олади. Натижада мактабда ўқиши, таълим олишига эътибор сусаяди. Бундай ёшлар аксарият ҳолатда имконияти ва салоҳиятини тўла юзага чиқаролмайди. Бу, ўз навбатида, болада руҳий оғриқ ва жароҳатларни пайдо қилади. Агар тарбияга ҳам эътибор берилмаса, бу болаларнинг келажакда катта эҳтимол билан нотўғри йўлларга кириб кетиши ҳолати кузатилади. Натижада жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида оғриқли муаммолар пайдо бўлаверади. Шу сабаб ҳам мамлакатимизда ҳар бир оилага, унда вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизга алоҳида эътибор қаратиш тизими яратилди. Бугун “Нуроний — ҳар бир оилага масъул”, “Бир нуроний — ўн ёшга масъул” тамойиллари асосидаги ишлар замирида ҳам мана шу эзгу мақсад мужассам.



Оилаларда иқтисодий муаммоларни юзага келтирувчи қатор омиллар мавжуд. Афсуски, ортиқча сарф-харажат, исрофгарчилик, бойлигини кўз-кўзлаш ва дабдабабозлик каби иллатлардан ҳали тўла халос бўлганимиз йўқ. Кўпчилик ҳамюртларимиз дабдабали тўйлар, енгил-елпи орзу-ҳавас туфайли қарзга ботиб, оиласини қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ҳаётда катта тажрибага эга кайвони отахон ва онахонлар исрофгарчиликлар оқибатида юзага келадиган доимий етишмовчиликлар натижасида бундай хонадонларда ўсаётган болаларнинг қалби кемтик бўлишини ҳам яхши билади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Нуронийлар ва ота-оналар кенгаши” маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жуда катта самара беришини Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги маҳаллалар мисолида кўрдик. Шу маънода, нуронийлар оилаларда аҳиллик ва миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш борасидаги вазифалар масъулиятини жуда яхши ҳис этади.

Халқимиз азалдан оилани олтин қўрғон деб билган ва унинг мустаҳкамлигига кайвонилар, оқсоқоллар, шу хонадон катталари ўзини жавобгар ҳисоблаган. Чунки оилавий ажралишлар туфайли фарзандларнинг ота-она меҳридан бебаҳра ўсиши барча даврларда ҳам жамиятнинг оғриқли муаммоси бўлиб келган.

Бу борада “Нуроний — ҳар бир оилага масъул” тамойили асосида маҳаллаларда тизимли ишлар йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 13 мингдан ортиқ оиланинг ҳар бирига катта ҳаёт тажрибасига эга бир нафардан отахон ва онахон бириктирилиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, оилаларни мустаҳкамлаш чораси кўрилди. Оилаларда тотувлик ва аҳиллик муҳитини шакллантириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. Нуроний отахон ва онахонлар эрталаб қуёш чиққанидан то ботгунича шу оилалар муаммоларини ҳал этиш учун ҳаракат қилмоқда. Уларнинг маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида 11 мингга яқин муаммоли оилада ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Афсуски, оилаларда муаммоли вазиятларни юзага келтираётган омиллардан яна бири — яқин қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳлар ҳалиям учраб турибди. Унга сабабчи бўлаётган ота-оналар бу муаммолар бизга тегишли эмас деб ўйлаши мумкин. Бироқ ҳозир ногиронлик билан туғилаётган болаларнинг 80 фоизи худди шундай никоҳлар ҳосиласи экани сир эмас. Рад этиб бўлмас бу рақамлар ортида қанча муаммоли тақдир, қийинчилик ва машаққат билан яшаётган нотинч оилалар бор.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ҳам кўп ҳолларда мана шундай муаммоли оилаларда илдиз отаётгани айни ҳақиқат. Йигитларга ёшлигидан ҳунар ўргатиш, ўзи қизиққан соҳада билимли, етук шахслар бўлишига имкон яратиш зарурлигини ота-оналарга уқтириш ҳам нуронийларнинг кун тартибидаги масалалардан. Йигитлар касб-ҳунарли, оила тебратишга тайёр бўлиб уйланса, келишмовчилик ва етишмовчиликлар ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлади.

Шунингдек, айрим ҳолларда ака-ука, опа-сингил, ота-ўғил, жигарлар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилаётгани ҳам оилавий келишмовчилик ва нотинчликларни юзага келтирмоқда. Бундай пайтларда ўша маҳалланинг “Кексалар маслаҳати” гуруҳидаги обрў-эътиборли, фаол 15 нуроний, албатта, ўз сўзини айтиб, неча минг йиллардан бери асраб-авайлаб келаётган қадриятларимизни ёшлар онгига сингдирмоқда.

Пиру бадавлат нуронийлар, намунали ҳаёти билан маҳалласида ўрнак бўлиб келаётган отахон ва онахонлар иштирокида “Қўша қариш саодати” маърифий тадбирлари мунтазам ўтказиб келинаётгани, уларнинг тажрибаси, ўгити ва насиҳатлари ёш оилаларда аҳиллик ва тотувлик муҳитини асрашда ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда. Ёш оила вакилларига оила муқаддас эканини, унга гард юқтирмасдан асраш кераклигини доимий тушунтириш лозим. Токи улар ҳам ота, ҳам онанинг фарзанд камолоти йўлидаги масъулиятини ҳис этсин.

Нуронийларнинг ҳар бир иши замирида миллий қадриятларимизнинг ҳаётий ифодаси акс этади. Оилада фарзанд дунёга келса, унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар барпо этиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштириш каби эзгу анъаналаримиз бор. Шу маънода, қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда нуронийлар ҳам маҳаллалар ва йўл бўйларига ниҳоллар ўтқазиш, янги боғ-роғлар яратишда ташаббускор бўлмоқда. Экилган ҳар бир ниҳолни парваришлаш ва сақлашда бободеҳқонлар, уста боғбонлар маслаҳат ва ўгитларини беряпти.

Бугун мамлакатимиздаги барча “Нуронийлар маскани”да боғлар барпо этилди. “Оналар боғи”, “Нуронийлар боғи”, “Дўстлик ва бирдамлик боғи”, “Нуронийлар ва ёшлар” боғлари шулар жумласидан.

Тарбия посбонлари

“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган эди жадид бобомиз Абдулла Авлоний. Илдизи қадим қадриятларимизга туташган тарбия мезонларида ёши улуғ отахон ва онахонлар ҳамиша масъулиятли бўлиб келган.

Шу ўринда бир ҳаётий ҳақиқатни айтишимиз керак: фарзанд тарбиясида ёш ота-оналарнинг тажрибаси етарли эмас. Улар фарзандининг идеалидаги шахслардек бўлишини истайди. Боланинг имконияти, салоҳиятини ҳисобга олмай, ундан бекаму кўстлик талаб қилади. Бу ҳолат навниҳол ўғил-қизлар руҳиятини синдириши, кўнглини чўктириши мумкин.

Кузатувларимиз асосида айтишимиз мумкинки, бола тарбиясида айрим пайтларда сансоларлик ҳолатларига ҳам дуч келяпмиз. Айрим ота-оналар бола тарбиясини мактабдан, устозларидан талаб қилса, устозлар тарбия масаласи ота-онанинг зиммасида эканини таъкидлайди. “Бир болага етти маҳалла — ота-она” деган тамойил асрлардан бери асраб келинаётган юртимизда тарбия борасида бундай сансоларлик ва ўзбилармонлик ҳолатлари бўлмаслиги учун ҳам нуронийларнинг маҳалладаги сўзи, назорати жуда муҳим.

Бобо-бувилари, маҳалладаги отахон ва онахонлар билан доимий суҳбатлашиб, уларнинг насиҳатини эшитиб юрган болаларни кузатганмисиз? Улар мурғаклигиданоқ “данакдай” пишиқ бўлади. Миллий қадриятларимизга ҳурмат, она ватанга муҳаббат туйғуси ҳам уларда эрта шаклланади.

Маҳаллаларда жамоатчилик асосида иш юритаётган “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” фаоллари, таълим масканлари ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишлари ўрганилиб, шу асосда устозлари ва ота-оналарига муайян тавсиялар берилмоқда. Ҳар сешанба куни “Нуронийлар тарбиявий соати”, пайшанба кунлари эса “Нуронийлар билан маънавият соати” ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, “Эл-юрт ҳурмати”, “Буюк хизматлари учун”, “Фидокорона меҳнатлари учун” орденлари соҳиблари, паралимпия ўйинлари ғолиблари, олимпиада чемпионлари, фан олимпиадаларининг олтин медали совриндорлари иштирокида ўтаётган “Уч авлод учрашуви” маърифий тадбирлари бугун Президентимиз таъкидлаганидек, “мардлик ва матонат сабоқлари”га айланмоқда. Ёшларимиз бундай учрашувлардан сўнг ўз олдига катта мақсадларни қўяётганини эътироф этяпти.

Шунингдек, “Бир нуроний — ўн ёшга масъул” тамойили ҳам нуронийлар ва ёшлар ўртасида маънавий кўприк вазифасини ўтамоқда. Ҳаётидаги турли муаммолар туфайли қийналиб юрган минглаб ёшлар нуроний-мураббийлар йўл-йўриғи билан ҳаётда ўз йўлини топиб, оиласига ҳам, атрофдагиларга ҳам ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда нуронийларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузи юксалиб, маҳалла ва оилалар ҳаётидаги масъулияти ортгани мана шундай юксак самара бераётганидан улар беҳад мамнун бўлмоқда.

Аслида, эътибор ва ишонч одамга куч-қувват, ғайрат-шижоат беради. Бугун жамиятимизда ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром, эътибор кучайди. Нуронийлар ана шу ишонч ва эътибордан куч олиб, ғайрат-шижоат билан маҳаллалар ободлиги, оилалар тинчлик-тотувлиги, ўғил-қизларимизнинг бахтли-саодатли бўлиши йўлида меҳнат қилмоқда. Зеро, янги Ўзбекистонимизда эл-юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, маҳаллаларимиз ободлиги йўлидаги ислоҳотларга камарбаста бўлиш энг улуғ мақсадимиздир.

Конституция — тақдиримда

ЎҚИТУВЧИЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИРОФДА

Йигирма олти йилдан буён халқ таълими соҳасида ишлаб келяпман. Ўтган давр мобайнида таълим жараёни билан боғлиқ ислоҳотларни, турли маънавий ҳамда моддий ноҳақликларни бошимдан ўтказдим, гувоҳ бўлдим. Эрта баҳордан қишнинг қорли кунларигача далаларда меҳнат қилганимиз, ташкилотларнинг турли босимлари ва тазйиқларини ҳозир эсласам, кўнглим алланечук бўлиб кетади.



Дилфузахон АБДУРАҲМОНОВА, Риштон тумани 49-умумтаълим мактаби директори ўринбосари

Кейинги саккиз йилда таълим тизимида жуда катта ислоҳотлар қилиниб, янги Ўзбекистонда ўқитувчи ва мураббийларга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Бу эътибор янги таҳрирда қабул қилинган Конститутциямизда алоҳида мустаҳкамланди. Унда ўқитувчи шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига давлатнинг ғамхўрлик қилиши тўғрисида алоҳида банд киритилиши жамиятда устозлар нақадар юксак даражада улуғланишининг амалий исботи бўлди.

Мактабимиз туман марказидан 30 чақирим олисда жойлашган. Лекин шароит ва имкониятларимиз марказдаги мактаблардан асло қолишмайди. Шу кунга қадар жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмаган. Ўқувчиларимиз туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. 2021 йил Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Беш ташаббус ахборот технологиялари билан” фестивалида икки ўқувчимиз ғолиб бўлди. “Беш ташаббус китоб билан” фестивалида ҳам ғолибликни қўлга киритдик. Бухоро шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган чемпионатда 9-синф ўқувчиси Жасурбек Камолиддинов чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.

Фарғона вилояти “Баркамол авлод” болалар мактаби томонидан ўтказилган “Варраклар сайли”да 3-синф ўқувчиси Шоҳрухбек Набижонов вилоят миқёсида иккинчи ўринни қўлга киритди. “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт кенгаши томонидан ўтказилган “Биз иқтидор эгаларимиз” танлови вилоят босқичи, “Қувноқлар ва зукколар” танловида мактабимизнинг “Ёш юлдузлар” жамоаси совриндор бўлди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Турон мактаб театри” танловида мувaффақиятли иштирок этдик. “Дилларда Ватан мадҳи” ёш ижодкорларнинг шеърият танлови совриндори Раёнахон Зокирова ижодий ишлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Республика Маънавият тарғиботчилари жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган “Туйғулар тонги” тўпламидан ўрин олди.

> **“Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.”**
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси.**



Бу каби ютуқлар, муваффақиятларни қўлга киритишимизда Конституциямизда белгилаб берилган имтиёз ва имкониятларнинг ўрни катта. “Инсон қадри учун” ғояси асосида ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик кишига янги куч ва завқ бериш билан бирга иш унумдорлигини ошириш, янги ғоя ва ташаббус, изланиш, интилишлар сари чорлайверади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддаси.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_officia yuz

Ҳар қандай миллат ва мамлакатнинг эртанги тақдири, келажакда не мавқе, қандай манзилда бўлиши фарзандларига бугун кўрсатадиган эътибори ҳамда ғамхўрлигига чамбарчас боғлиқ. Ўтган аср бошларида жадид алломаларини энг кўп ташвишлантирган, безовта ва бедор қилган масала ҳам айнан шу эди — келгуси авлодлар таълимию тарбияси!

Муносабат

Кейинги саккиз йил давомида янги Ўзбекистондаги тарихий ислоҳотлар юртдошларимиз онгу тафаккури ва кундалик ҳаётида бирдай аксини топмоқда. Бугун ҳар биримиз кун сайин ривожланиб, жаҳонда ўз ўрни ва айтар сўзига эга бўлиб бораётган салоҳиятли давлатнинг фуқароси эканимизни дилдан ҳис этиб яшаяпмиз.



ТЕАТР ИБРАТХОНАДИР

Қарор юксалишнинг янги даврига йўл очмоқда

Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор



Санъат ва маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ўтган йил 22 декабрдаги кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз санъат ва маданият соҳасининг бугуни ва эртанги қиёфаси қандай бўлиши зарурлигини аниқ-равшан кўрсатиб берган эди. Яқинда давлатимиз раҳбари имзолаган “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарор соҳада юксалишнинг янги даврига йўл очди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур ҳужжатда 2025-2030 йилларда “Миллий қаҳрамон” ва “Инсон қадри учун” мавзуларида 32 та спектакль саҳналаштириш белгиланган театрларимиздаги ижодий жараёнларни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бугунги томошабин ҳаёт ҳақиқати холис ва ҳаққоний тасвирланган, яхлит бадиий мазмунга эга саҳна асарларига эҳтиёж сезмоқда. Энди енгил-елпи мавзуларга қурилган арзон-гаров томошалар билан кишилар қалбига йўл топиш имконсиз. Қолаверса, интернет саҳифаларида маънисиз контентлар ҳаддан ташқари кўпайган бир шароитда саҳна асарлари савиясини ошириш ҳаёт тақозосига айланган.

Шу маънода, Президентимиз қарорида театр драматурглари учун Маҳмудхўжа Беҳбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотлар таъсис этиш белгиланган айни муддао бўлди. Чунки бугун театр соҳасида драматургия энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланади. Янги руҳдаги спектакллар яратиш учун, аввало, маҳоратли драматурглар зарур. Таассуфки, шу чоққача бизда бу борада катта бўшлиқ бор эди. Айнан драматургия бўйича нуфузли мукофот таъсис қилиниши иқтидорли ва тажрибали ёзувчи-шоирларнинг ушбу жанрга қизиқишини ошириб, янги, сермазмун саҳна асарлари яратилишига йўл очади. Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофот ҳам театр санъатига ихтисослашаётган иқтидорли, креатив фикрлайдиган ёш режиссёрларнинг соҳага қизиқиши ва рағбатини кучайтириб, соғлом ижодий рақобат муҳитини юзага келтиришга хизмат қилади.

Маҳоратли ёзувчи ва драматурглар, режиссёр ва композиторлар, саҳна рассомлари ва бошқа ижодкорлар ўртасида ўзига хос ижодий мулоқот муҳитини яратиш ҳамда уларнинг профессионал малакасини ошириш зарурати мавжуд. Шу боис, қарорда режиссёр — драматург — композитор — рассом ҳамкорлигини назарда тутувчи “Нигоҳ” ижодий лойиҳасини йўлга қўйиш белгиланган. Бундан буён ҳар йили мазкур лойиҳа асосида яратилган энг яхши 5 та пьеса мамлакатимиз театрларида саҳналаштириб борилади.

Қарорда маданият ва санъат соҳасининг таълим тизими билан ҳамкорлигини кучайтириш, театрларда талабаларнинг амалий машғулотларини кенгайтириш, театр соҳасига оид илмий тадқиқот ишларига буюртмалар бериш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз театрларига малакали кадрлар етказиб берувчи асосий даргоҳ ҳисобланган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти учун ҳам улкан имкониятлар яратади.

Энг аввало, таълимни амалиёт билан янада мустаҳкамроқ боғлашга шароит қилинмоқда. Шу мақсадда талабаларнинг ҳафтада камида 2 кун театрларда амалий машғулот ўтказиши йўлга қўйилади. Бу янгилик театрларга соҳани етарли даражада тушунадиган, “саҳнанинг чангини ютган” тайёр кадрларни етказиб беришимизга йўл очади.

Президентимиз қарори асосида ҳар йили театр санъатига оид 5 та илмий тадқиқот ишига буюртмалар беришнинг йўлга қўйилиши эса ёш тадқиқотчиларнинг соҳага қизиқиши янада ошишига сабаб бўлади. Ўз-ўзидан илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги ҳам юксалади.

Албатта, бундай буюртмаларни беришда мавзунинг долзарблиги ҳамда соҳа ривожига қай даражада хизмат қилишига асосий эътибор қаратилади. Шу орқали ҳудудлардаги театрларнинг тарихини ҳам кенг ўрганиш, муаммо ва ютуқларини илмий асосда тадқиқ қилиш имконияти кенгаяди.

Театр соҳасида таниқли актёр ва режиссёрлар, санъатшуносларнинг маҳорат мактаблари ташкил этилиши амалда катта самара бериши тайин. Қарорда театр танқидчилари ва драматурглар клубини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланди. Ижодкорлар учун ўзаро фикр алмашиш майдони бўлиб хизмат қиладиган бу янгилик улар ўртасида ғоявий яқдиллик шаклланишига замин яратади.

Нодавлат театрларга ҳам давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилаётгани, шубҳасиз, уларнинг янада ривожланиши, ижодий жамоалар ўртасида рақобат муҳити шаклланишига хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида ҳаваскор театр жамоалари тузилиб, улар ўртасида ижодий танловлар ўтказиб борилади. Бу эса институтимизда таҳсил олаётган талабалар ҳамда битирувчилар учун қўшимча иш ўрни ва тажриба майдони яратилишига йўл очади. Ҳар йили битирувчиларнинг энг яхши 10 та битирув малакавий ишига давлат буюртмаси берилиши эса ёш ижодкорларнинг қайноқ ижод майдонига йўлланма олишида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Ёшларнинг театрларга доимий ташрифларини назарда тутувчи “Театр ибратхонадир” дастури ҳам амалда катта самара бериши табиий.

Келгуси йилдан Ўзбекистондаги театр жамоаларининг миллий рейтингини тузиш анъанаси жорий этилади. Шу билан бирга, 2025-2028 йилларда жойлардаги 11 та театр биноси мукаммал таъмирланиб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилинади.

Юртимизда мусиқали театр санъати шаклланиши ва ривожланишида Муқимий номидаги мусиқали театр муҳим ўринга эга. Ўз даврида ушбу санъат масканида Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғофуров, Эътибор Жалилова, Ҳамза Умаров, Фароғат Раҳматова каби эл ардоғига сазовор бўлган санъаткорлар ижод қилган. Муқимий театри ҳозирги пайтда ҳам барча мусиқали театрлар учун ижодий лаборатория вазифасини бажармоқда. Кўп йиллик шонли анъаналарга эга мазкур театрга академик мақоми берилгани юртимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Энди маданият ва санъат соҳаси ходимлари моддий манфаатдорлиги уларнинг иш самарадорлиги кўрсаткичларига асосланган ҳолда белгиланади. Бунда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, айниқса, олис ҳудудларга гастроллар уюштириш, янги асарлар яратиш, иқтидорли ёш ижодкорларни излаб топиш каби мезонларга устувор аҳамият қаратилади. Бошқача айтганда, соҳа ходимлари қанчалик халққа яқин бўлса, олис ҳудудларда яшайдиган аҳолига сифатли маданий хизмат кўрсатса, бундан ўзи ҳам манфаатдор бўлади.

Ушбу тажриба натижасида, бир томондан, олис ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз театрларда саҳналаштирилган спектаклларни томоша қилиб, маънавий завқ олса, уни ташкил этган ижодкорлар ҳам меҳнатига яраша моддий рағбат кўради.

Ҳеч шубҳасиз, мазкур қарор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти фаолиятини ташкил қилишда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Айни вақтда институт фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, санъат ва маданият йўналишларида салоҳиятли ижодкор кадрлар етиштириш бўйича қатор муҳим вазифалар белгилаб олинган.

Келгусида ушбу йўналишда етакчи хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали ҳар йили профессор-ўқитувчиларимизнинг 10-15 фоизини чет мамлакатларга стажировка ўташ ва малака оширишга юбориш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва рағбатлантириш ҳамда уларни жаҳон саҳналарига олиб чиқиш, ижрочилик маҳоратларини янада ошириш учун ҳар икки йилда бир маротаба талабалар ўртасида халқаро театр, мусиқа, рақс ва фольклор санъати танловларини ўтказиб бориш кўзда тутилган.

2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Ушбу мавзуларда юқори савияли, таъсирчан санъат асарлари яратиш орқали масаланинг аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшларга кенгроқ етказишимиз зарур. Шу боис, биз институт ўқув театрида талабалар иштирокида экологик муаммоларнинг ҳаётимизга таъсирига бағишланган янги саҳна асари яратишга киришдик. Бундан буён барча машғулот ва маҳорат сабоқларида юртимиз табиатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, борлиқ билан уйғун яшашнинг аҳамиятини талабалар онгига чуқур сингдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бугун юртимизда кечаётган жадал ислоҳотлар жараёнида маданият ва санъат муассасаларига талаб кучаймоқда. Аниқроғи, ҳозир давримизнинг шиддатли нафасини, юртимиздаги тарихий ўзгаришларни ҳаётий воқеалар орқали таъсирчан акс эттирадиган юқори савияли, томошабоп саҳна асарларига эҳтиёж ҳар қачонгидан юқори. Бу эса ҳар биримиздан зиммамиздаги улкан масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиб, бор куч ва салоҳиятимизни ишга солган ҳолда астойдил меҳнат қилишимизни тақозо этади.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда санъат ва маданият соҳаларига улкан эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, **“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавият-дир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”.**





Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти вазифасини бажарувчи, филология фанлари номзоди

ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАР қомуси

Муаммонинг чинакамига ҳаёт-мамот масаласи эканини теран ҳис қиладиган халқимиз шу туфайли ҳам ўзининг Бош қонуни — Конституциясининг алоҳида бобини оила, болалар ва ёшлар тақдирига оид меъёрларга бағишлаган. Бу Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституциясининг XIV бобидир.

Хусусан, асосий қонуннинг 77-моддаси биринчи хатбошида ўқиймиз:

“Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.

Биргина жумлада мужассам вазифалар, мажбуриятлар кўлами, залвори, масъулиятига эътибор қаратайлик.

Хусусан, доно халқ “Бўш қоп тик турмайди”, дейди. Демак, фарзандининг таълим-тарбияни тўлақонли ўзлаштириши, соғлом вояга етиши, ҳар томонлама камол топиши унинг ҳар куни нима еб, нима ичаётгани, жисму жони озиқланаётган емакларнинг дармондориларга, мия ва танани самарали озиқлантирувчи фойдали элементларга қанчалик бойлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дунё бозори сингари бизнинг бозорларимизни ҳам минг бир турли, кўпи ҳар хил кимёвий ва биологик қўшимчалар, ген инженерлигининг “илғор ютуқлари” билан “бойитилган” маҳсулотлар тўлдирган бир шароитда болаларимизни ишончли озиқ-овқат билан вояга етказиш айтишгагина осон.

Бинобарин, конституциявий мажбурият матнида фарзандларни “ҳар томонлама камол топтириш” хусусида сўз бормоқда. Шундай экан, келинг, ўзимизга бундай савол бериб кўрайлик: бугун ота-онаман деган ҳамма ҳам айни мажбурият ижросига тайёр, лаёқатли, уқувли дея оламизми?

Айримларнинг бениҳоя калта — бурнидан нариёқни ўйламай қилаётган ҳаракати туфайли ёшларнинг ҳали вояга етиб-етмаёқ турмуш қуриши не-не оқибатларни келтириб чиқараётганини кўриб-билиб турибмиз-ку! Озгинагина шамоллаб қолган боласига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ҳам эплолмайдиган, касал боласидан олдин ўзи йиғлашга тушадиган 17-18 ёшли келин қачондир — ўн йиллардан кейин эмас (унда аллақачон вақт ўтган бўлади!), балки эртадан бошлаб шу болани ҳар томонлама камол топтира олишнинг эпини қила биладими?

Бу саволга ижобий жавоб айтувчи одам орамизда топилмаса керак.

Шундай экан, бир модданинг биргина хатбошига жо бўлган бу мажбурият англаган инсонлар учун неча-неча ёндош мажбуриятларни ҳам келтириб чиқаришини, улар эса қабул қилаётган ҳар бир қароримиз, кўнглимизга келадиган истак ва хоҳишларимизни обдан ўйлашимизни, уларнинг оқибатларини олдиндан кўришимизни ҳам тақозо этади.

Нима демоқчимиз?

Демоқчимизки, мамлакат Конституцияси шунчаки кўз учун, номига қабул қилиб қўйилган ҳужжат эмас, балки ҳар бир моддаси доимий равишда ишлаши, ижро этилиши лозим бўлган ҳуқуқ, бурч, мажбуриятлар белгиланган, фуқароларнинг барчаси бирдек амал қилиши, агар амал қилмаса, ким бўлишидан қатъи назар, сўроқ-саволга тутилиши шарт бўлган амалий қоидалар мажмуи эканини унутмаслигимиз лозим.

Модданинг иккинчи хатбошисида бўлса давлат ва жамиятнинг бу борадаги муҳим мажбуриятлари муҳрланган:

“Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишини, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”.

Юртимизда бу жабҳада бошқа кўплаб мамлакатларга ибрат бўларли ишлар тизимли йўлга қўйилган. Иқтисодий жиҳатдан анча бақувват, ялпи ички маҳсулоти ҳажми бўйича дунё рўйхатларида жуда юқори ўринларда қайд этиладиган унча-мунча йирик давлатларда ҳам ҳали-ҳамон ечими топилмагани туфайли юз минглаб қаровсиз бола сарсон-саргардон юрган бир пайтда болажон



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Уларнинг қанчалик бир-бирига ўзаро боғлиқлиги, узвийлиги, узлуксизлигига диққат қилайлик.

Хусусан, доно халқ “Бўш қоп тик турмайди”, дейди. Демак, фарзандининг таълим-тарбияни тўлақонли ўзлаштириши, соғлом вояга етиши, ҳар томонлама камол топиши унинг ҳар куни нима еб, нима ичаётгани, жисму жони озиқланаётган емакларнинг дармондориларга, мия ва танани самарали озиқлантирувчи фойдали элементларга қанчалик бойлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дунё бозори сингари бизнинг бозорларимизни ҳам минг бир турли, кўпи ҳар хил кимёвий ва биологик қўшимчалар, ген инженерлигининг “илғор ютуқлари” билан “бойитилган” маҳсулотлар тўлдирган бир шароитда болаларимизни ишончли озиқ-овқат билан вояга етказиш айтишгагина осон.

Бинобарин, конституциявий мажбурият матнида фарзандларни “ҳар томонлама камол топтириш” хусусида сўз бормоқда. Шундай экан, келинг, ўзимизга бундай савол бериб кўрайлик: бугун ота-онаман деган ҳамма ҳам айни мажбурият ижросига тайёр, лаёқатли, уқувли дея оламизми?

Айримларнинг бениҳоя калта — бурнидан нариёқни ўйламай қилаётган ҳаракати туфайли ёшларнинг ҳали вояга етиб-етмаёқ турмуш қуриши не-не оқибатларни

Ўзбекистонда бирор норасида кўчага ташлаб қўйилганини биров кўргани йўқ.

Тақдир измига кўра ота-онасидан айрилган ҳар қандай болага миллати, дини, наслу насабидан қатъи назар, эътибор қўлини чўзадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар боланинг тўқ, соғлом вояга етиши, таълим-тарбия олиши, кейинги тақдирини мустақил бошқара билиши учун нимаики керак бўлса, барчасини қилиш учун туну кун ҳаракатда. Бу жиҳатдан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб хайрия лойиҳаларини амалга ошираётган “Замин” халқаро жамоат фонди, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), барча ҳудудларда фаолият юритаётган Меҳрибонлик уйларининг савобли саъй-ҳаракати ибратга лойиқ.

Буларга қўшимча тарзда Ўзбекистон Республикасининг мазкур жабҳадаги конституциявий нормаларни ҳаётга тўла татбиқ этишга йўналтирилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ҳамда яқинда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан ҳавасга лойиқ инсон бўлиб шаклланишида мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4314.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнерлар: Хуршид Абдуллаев, Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:10 Топширилди — 22:15

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05